

ҲУНАРМАНДЧИЛИК МАҲСУЛОТЛАРИ БЎЙИЧА КЎРИК-ТАНЛОВ ТАЛАБЛАРИ

(рассом-дизайнерлар ва ҳунармандлар учун алоҳида талаблар)

Мазкур талаблар кўрик-танлов иштирокчиларига маҳсулот ғоясидан тортиб тайёр буюмгача бўлган жараёнда аниқ йўналиш бериш учун ишлаб чиқилди. Асосий мақсад — миллий руҳга эга, туристлар учун тушунарли, олиб кетишга қулай, сифатли, бардошли ва бозорбоп ҳунармандчилик маҳсулотларини яратиш.

1. Танлов босқичлари бўйича умумий қоида

1-босқичда рассом ва дизайнерлар маҳсулотнинг эскизи, дизайни ва ишлаб чиқаришга яроқли техник ечимини тақдим этади. Эскиз шунчаки чиройли расм бўлиб қолмаслиги керак; уни ҳунарманд амалда тайёрлай олиши шарт.

2-босқичда ҳунармандлар 1-босқичда ғолиб бўлган эскизлар асосида тайёр маҳсулот намунасини яратади. Тайёр маҳсулот эскиздаги асосий ғоя, шакл, миллийлик ва функционал ечимни сақлаган ҳолда савдога тайёр кўринишда бўлиши лозим.

2. РАССОМ ВА ДИЗАЙНЕРЛАР учун мажбурий талаблар

- Эскизда маҳсулотнинг олд, ён ва юқори кўриниши, ўлчам, ранги, нақши, материали ва асосий конструкцияси кўрсатилиши шарт.
- Дизайн реал ҳунармандчилик техникасида бажариладиган бўлиши керак. Фақат компьютерда чиройли кўринадиган, аммо қўл меҳнати билан бажариш қийин ёки имконсиз ечимлар қабул қилинмайди.
- Маҳсулотнинг вазифаси аниқ ёзилиши керак: у нима учун ишлатилади, ким сотиб олади ва турист уни нима сабабдан харид қилади.
- Эскизда материал, тахминий оғирлик, ўлчам, ишлаб чиқариш усули ва қадоқлаш ғояси кўрсатилиши лозим.
- Маҳсулот миллийликни сақлаши, лекин замонавий бозорга мос, ихчам ва серияли ишлаб чиқаришга яроқли бўлиши шарт.
- Ҳар бир дизайн бўйича “ишлаб чиқариш паспорти” тайёрланади: маҳсулот номи, мақсади, материаллар, ўлчам, ранг, техник усул, тайёрлаш мураккаблиги, тахминий нарх сегменти ва қадоқлаш ғояси.

3. ҲУНАРМАНДЛАР учун мажбурий талаблар

- Тайёр маҳсулот эскиздаги асосий шакл, ғоя, миллийлик ва функционал ечимни сақлаши шарт. Зарур техник ўзгаришлар бўлса, улар асослаб берилади.
- Маҳсулот сифати юқори бўлиши, чок, ўйма, бўёқ, сир, пардоз, бирикма ва қирралар тоза ишланган бўлиши лозим.
- Маҳсулот турист томонидан осон харид қилиниши, олиб кетилиши, совға сифатида тақдим этилиши ва камида кичик партиядо такрор ишлаб чиқарилиши мумкин бўлиши керак.
- Маҳсулот хавфсиз, мустаҳкам, синмайдиган ёки химоя қадағи билан таъминланган бўлиши шарт.
- Тайёр маҳсулот билан бирга маҳсулот паспорти берилади: материал, ҳудуд, ҳунарманд номи, ишлаб чиқариш вақти, тахминий нарх, парваришlash ва қадоқлаш маълумоти.
- Маҳсулотда қўл меҳнати асосий ўрин тутиши, оммавий фабрика маҳсулотига ўхшаб қолмаслиги керак.

4. Йўналишлар кесимида аниқ талаблар

Қуйида ҳар бир ҳунармандчилик йўналиши бўйича 1-босқичдаги рассом-дизайнерлар ва 2-босқичдаги ҳунармандлар учун алоҳида талаблар келтирилади.

Йўналишлар бўйича талаблар жадвали

T/p	Фаолият йўналиши	Маҳсулотларнинг асосий турлари	Рассом ва дизайнер учун аниқ талаблар	Хунарманд учун аниқ талаблар
1	Қўлда гилам тўқиш	Гилам ва гиламчалар, палослар, хуржунлар, кигиз буюмлар, шолчалар, жойнамоzлар, ўтовлар, табиий толадан тайёрланган буюмлар.	• Эскизда нақш раппорти, марказий композиция, ҳошия ва ранглар сони аниқ кўрсатилсин. • Дизайн қўлда тўқиш техникасида бажариладиган бўлсин; жуда майда, тўқишда йўқолиб кетадиган деталлар берилмасин. • Турист учун олиб кетишга қулай формат таклиф этилсин: кичик гиламча, девор панноси, хуржун, сумка ёки жойнамоz. • Ўлчам, тахминий оғирлик, ип тури ва ранглар картаси алоҳида ёзилсин.	• Тўқиш зичлиги бир хил, четлари мустаҳкам тикилган ва иплари чиқиб кетмайдиган бўлсин. • Маҳсулот табиий ёки хавфсиз бўялган толадан тайёрлансин; ранги қўлга ва кийимга юкмасин. • Оғирлиги ва ҳажми турист бағажи учун қулай бўлсин; катта маҳсулотлар учун ўрама-қадоқ счими берилсин. • Маҳсулотда ҳудуд, нақш номи ва материал ҳақида қисқа ёрлик бўлсин.
2	Қўлда газламалар тўқиш	Атлас, бекасам, адрас, табиий ипак, ип калава, жун ва сунъий ипдан тўкилган газламалар.	• Эскизда матонинг ишлатилиш мақсади аниқ бўлсин: шарф, рўмол, сумка, либос детали, сувенир тўплам ёки интерьер буюми. • Нақшлар тўқиш станогидида амалга ошириладиган даражада содда ва такрорланувчи бўлсин. • Матонинг эни, узунлиги, ранглар палитраси, ип тури ва нақш такрори кўрсатилсин. • Дизайндида миллийлик замонавий маҳсулот шакли билан уйғунлаштирилсин.	• Матонинг зичлиги, ранги ва фактураси бир хил бўлсин; тўқимада узилиш ва нуқсонлар бўлмасин. • Четлари тозалаб тикилсин ёки махсус ишлов берилсин. • Маҳсулот ювиш, йиғиш ва олиб юришга қулай бўлсин. • Ҳар бир маҳсулотда материал, парваришлаш усули ва ҳудудий келиб чиқиш ҳақида ёрлик бўлсин.
3	Тош ва суяк ўймакорлиги	Тошдан тайёрланган эсдалик буюмлар, майда пластикалар, қутичалар, ёзув анжомлари, шамдонлар, панно, рельефлар, контррельефлар, барельефлар, геральдика ва рамзлар, тошни пардозлаш йўли билан тайёрланган безаклар.	• Эскизда буюмнинг 3 томонлама кўриниши, ўйма чуқурлиги ва асосий рельефлар аниқ белгилансин. • Жуда нозик, осон синадиган чиқинди қисмлар ва ҳаддан ташқари майда деталлардан қочилсин. • Маҳсулот туристга оғир бўлиб қолмаслиги учун ўлчам ва оғирлик чеклови кўрсатилсин. • Қутича, каламдон, кичик панно, офис совғаси каби амалий функция берилсин.	• Буюм сирти силлиқ, бурчаклари хавфсиз ва пардози тоза бўлсин. • Нозик қисмлар мустаҳкамланган, қирралари синиб кетмайдиган даражада ишланган бўлсин. • Оғир маҳсулотлар кичик форматда тайёрлансин ва химоя қутиси билан тақдим этилсин. • Табиий материал манбаси ва ишлов бериш усули ҳақида қисқа маълумот берилсин.
4	Миниатюра, ранг-тасвир, наққошлик ва бўёқли нақшлар тайёрлаш	Лок миниатюраси техникасида тайёрланган буюмлар: қутичалар, суратлар; девор, қоғоз, мато, тери, газлама, папье-маше, ёғоч, қовоқ, картон, суяк ва эмалдаги нақшлар ва расмлар; хаттотлик услубида тайёрланган қўлёзмалар, китоблар, миниатюра ва тасвирий санъат асарлари, рисоалар; муқовалаш.	• Эскиз фақат расм эмас, маҳсулотга қўлланадиган дизайн бўлсин: қутича, китоб муқоваси, панно, открытка, блокнот, сувенир буюм. • Композиция, ранглар, ёзувлар ва нақш жойлашуви аниқ берилсин. • Дизайнни қўлда чизиш, локлаш ёки бўяш орқали бажариш мумкинлиги кўрсатилсин. • Маҳсулот юзасининг материали, ўлчами ва химоя қопламаси кўрсатилсин.	• Чизиклар тоза, ранглар барқарор, лок ёки химоя қопламаси сифатли бўлсин. • Ёзув ва нақшлар ўқиладиган, композиция маркази аниқ бўлсин. • Маҳсулот қўлда ишланган бўлса-да, савдо учун тайёр кўринишда бўлсин. • Қадоқда миниатюра сюжети ва миллий асоси ҳақида қисқа изох берилсин.
5	Кандакорлик, мискарлик буюмларини тайёрлаш	Мис, латунъ, алюминийдан ясалган буюмлар: чойнак, қумғон, лаган, гулдон ва безак-амалий буюмлар.	• Эскизда буюм шакли, ўлчами, нақш жойлашуви ва фойдаланиш вазифаси аниқ кўрсатилсин. • Нақшлар қўл кандакорлиги билан тушириладиган даражада бўлсин; ўта майда ва такрорланмайдиган чизиклардан қочилсин. • Ички қисми озик-овқат билан тегишса, хавфсиз қоплама талаблари белгилансин. • Турист учун кичик лаган, пиёла остлиги, қаҳва тўплами, шамдон ёки офис совғаси каби ихчам формат таклиф этилсин.	• Металл қалинлиги маҳсулотни эгилиб кетишдан сақлайдиган даражада бўлсин. • Нақшлар тоза, симметрик ва қирралари хавфсиз ишланган бўлсин. • Ички сирти фойдаланиш мақсадига мос равишда хавфсиз пардозланган бўлсин. • Маҳсулот қорайишдан сақлаш ва тозалаш бўйича йўриқнома билан берилсин.
6	Металлдан буюмлар яшаш	Қўлда ясалган металл буюмлар: эшиклар, нақшли дарвозалар, панжаралар, тутқичлар, илгаклар, қўнғироқлар, занжирлар, шамдонлар, меҳнат қуроллари, миллий пичоқлар ва бошқа металл буюмлар.	• Танлов учун туристга мос кичик ва хавфсиз металл буюмлар устувор: шамдон, қўнғироқ, тутқич, безак, магнит, мини-панно. • Эскизда кесиш, эгиш, пайвандлаш, кандакорлик ёки қуйиш усули аниқ кўрсатилсин. • Олиб чиқишда чеклов бўлиши мумкин бўлган ўткир буюмлар асосий маҳсулот сифатида таклиф этилмасин. • Буюмнинг оғирлиги, қирралари ва қадоқлаш усули алоҳида кўрсатилсин.	• Буюмда ўткир, қўлни кесадиган ёки кийимга илинадиган жойлар бўлмасин. • Пайванд, эгиш ва бирикмалар мустаҳкам ва кўзга ташланмайдиган даражада тоза бўлсин. • Занглашга қарши ишлов берилсин; бўёқ ёки қоплама қўчмасин. • Маҳсулот хавфсиз қадоқда, фойдаланиш йўриқномаси билан тақдим этилсин.
7	Миллий пойабзал тайёрлаш	Қўлда ва якка тартибда тикилган миллий пойабзаллар, теридан маҳси ва ковушлар, кирза ва кигиз этиклар, сандаллар, шиппаклар, туфлилар.	• Дизайндида пойабзалнинг устки қисми, тагчарми, беаги ва кийиш қулайлиги алоҳида кўрсатилсин. • Размерлар катори, эркак/аёл/болалар учун мўлжалланганлиги ва мақсадли бозор белгилансин. • Фақат сахнавий кўриниш эмас, реал кийиладиган маҳсулот таклиф этилсин. • Материал, тикиш усули, безак жойи ва оғирлик кўрсатилсин.	• Пойабзал кийганда қулай, ички қисми юмшоқ ва тикиш жойлари оёқни урмайдиган бўлсин. • Тагчарм сирпанмайдиган, чоклар мустаҳкам ва безаклар тушиб кетмайдиган бўлсин. • Бир жуфт маҳсулотда ўнг ва чап шакл, ранг ва ўлчам бир хил бўлсин. • Қадоқда размер, материал ва парваришлаш тавсияси кўрсатилсин.

T/p	Фаолият йўналиши	Маҳсулотларнинг асосий турлари	Рассом ва дизайнер учун аниқ талаблар	Хунарманд учун аниқ талаблар
8	Миллий либослар тайёрлаш	Чопон, яхтак, нимча, болалар чопонлари, тўй либослари ва бошқа миллий кийимлар.	• Эскизда силуэт, фасон, ўлчам катори, мато тури, безак ва тикиш конструкцияси кўрсатилсин. • Дизайн миллийликни сақлаган ҳолда замонавий кийишга мос бўлсин. • Жуда оғир, фақат саҳнага мўлжалланган ёки кундалик/туристик бозорга мос келмайдиган дизайнлардан қочилсин. • Қатланиб чемоданга жойланиши ва парвариши осон бўлиши ҳисобга олинсин.	• Тикиш сифати юқори, ички чоклар тоза, астар ва безаклар мустаҳкам бўлсин. • Кийим танада қулай турсин, ҳаракатни чекламасин. • Ранг, мато ва безаклар ювиш/сақлаш жараёнида тез бузилмасин. • Маҳсулот размер ва парваришlash ёрлиғи билан тақдим этилсин.
9	Бош кийимлар тайёрлаш	Миллий дўппилар, телпак, салла, мўйна, қорақўл тери, тери ва қўлда ишлов берилган материаллардан бошқа бош кийимлар.	• Эскизда бош кийим шакли, баландлиги, айланаси, нақш жойлашуви ва размери кўрсатилсин. • Турист учун енгил, чемоданда эзилмайдиган ёки махсус кути билан сақланадиган вариант таклиф этилсин. • Миллий нақш ҳудудий мактабга мос бўлсин, ортиқча безак билан оғирлаштирилмасин. • Материал ва мавсумий фойдаланиш хусусияти кўрсатилсин.	• Бош кийим шаклини сақлайдиган, чоклари тоза ва ички қисми қулай бўлсин. • Нақш, кашта ёки безаклар мустаҳкам ўрнатилсин. • Материал терини кичиштирмайдиган ва ноқулай хидсиз бўлсин. • Қадоқда размер, ҳудудий услуб ва сақлаш тавсияси берилсин.
10	Ёғоч ўймакорлиги	Ёғоч ўймакорлиги услубида бажарилган барча амалий безак санъати турлари.	• Эскизда буюм фақат катта эшик ёки панел эмас, турист учун олиб кетиладиган форматда таклиф этилсин: қутича, панно, қаламдон, рамка, кичик стол аксессуарлари. • Ўйма чуқурлиги, нақш миқёси ва ёғоч тури кўрсатилсин. • Майда ва синиб кетадиган ўйма чиқиндилардан қочилсин. • Қадоқ ва ҳимоя қопламаси ғояси берилсин.	• Ёғоч қуруқ, ёриқсиз ва кийшаймайдиган даражада тайёрланган бўлсин. • Ўйма чизиқлари тоза, кирралари силлиқ ва қўлга зарар етказмайдиган бўлсин. • Лак, мой ёки бўёқ сифатли суртилсин, ёпишқоқлик қолмасин. • Маҳсулот намлик ва урилишдан ҳимоя қиладиган қадоқда берилсин.
11	Гул босилган газламалар ва чокли буюмлар тайёрлаш	Матоларга гул босиш усулида тайёрланган буюмлар: батик, миллий кўрпа ва кўрпачалар, ёстиқлар, белбоғлар, жияклар, сумкалар, тасмалар, болалар кийимлари ва бошқа чокли буюмлар.	• Дизайнда нақш раппорти, ранглар, буюм шакли ва тикиш конструкцияси кўрсатилсин. • Гул босиш техникасида аниқ тушадиган, ювилганда бузилмайдиган нақш таклиф этилсин. • Маҳсулот функцияси аниқ бўлсин: сумка, ёстиқ жилди, белбоғ, ёзги либос, сувенир тўплам. • Матонинг тури, ўлчами ва безак жойи кўрсатилсин.	• Гул босилган жойлар бир хил, ранглари тарқалмаган ва ювишга чидамли бўлсин. • Чоклар тоза, иплар чиқмаган, фурнитура мустаҳкам бўлсин. • Маҳсулот қўлда ушлаш, кийиш ёки фойдаланишга қулай бўлсин. • Парваришlash ва ювиш бўйича ёрлик қўйилсин.
12	Каштачилик	Каштачилик ва тўқилган буюмлар, шунингдек, қўлда тайёрланган бош кийимлар қисмлари; кашта машина ёрдамида ҳам тайёрланиши мумкин.	• Эскизда кашта жойи, нақш ўлчами, ранглар, ип тури ва қўлланадиган буюм аниқ кўрсатилсин. • Кашта фақат катта панно эмас, сотиладиган маҳсулотга айлантирилсин: сумка, ёстиқ, кийим деталлари, қутича қопламаси, аксессуарлар. • Жуда майда ва қўп вақт талаб қиладиган нақшлар серияли ишлаб чиқаришга мослаштирилсин. • Орқа томони қандай беркитилиши ва маҳсулотдаги жойлашуви кўрсатилсин.	• Кашта тикиш зичлиги бир хил, иплар осилиб қолмаган ва орқа томони тоза бўлсин. • Нақш марказлашган ва маҳсулот шаклига мос жойлаштирилган бўлсин. • Иплар рангини йўқотмасин, чоклар фойдаланишда ечиلىб кетмасин. • Тайёр буюм қадоқ, материал ва парваришlash маълумоти билан берилсин.
13	Зардўзлик буюмлари	Металл иплардан фойдаланган ҳолда зардўзлик услубида тайёрланган барча хунармандчилик маҳсулотлари.	• Дизайнда зардўзлик беағи маҳсулотнинг қайси қисмида бўлиши ва унинг майдони аниқ белгилансин. • Қиммат ва оғир бўлиб кетмаслиги учун кичик, премиум совға формати таклиф этилсин: клатч, белбоғ, дўппи, қутича, мини-панно. • Металл ип, мато асоси, нақш ва ранглар кўрсатилсин. • Ортиқча ялтироқлик ва фойдаланишга ноқулай оғир конструкциялардан қочилсин.	• Зар иплар мустаҳкам тикилган, кирралари кийимга илинмайдиган бўлсин. • Мато асоси таранг, буришмаган ва ички астари тоза бўлсин. • Маҳсулот премиум кўринишда, ҳимоя қутиси билан тақдим этилсин. • Сақлаш ва тозалаш бўйича тавсия берилсин.
14	Мусика асбобларини тайёрлаш	Ишлаб чиқаришдан ташқари усулда тайёрланган барча турдаги миллий мусиқа асбоблари.	• Эскиз ҳақиқий миллий мусиқа асбоби пропорцияларига мос бўлсин. • Маҳсулот тури аниқ белгилансин: чалиш мумкин бўлган асбоб, миниатюра сувенир ёки интерьер беағи. • Чалиш мумкин бўлган асбобда товуш чиқариш қисми, пардалар, торлар ва материаллар аниқ кўрсатилсин. • Миниатюра вариантда ҳам асбобнинг миллий танилувчан шакли сақлансин.	• Агар маҳсулот чалишга мўлжалланган бўлса, товуши соз, торлари ва корпуси мустаҳкам бўлсин. • Миниатюра сувенирда пропорция, безак ва пардоз тоза бажарилсин. • Бирикмалар елим изисиз, корпус ёриқсиз ва кирралари силлиқ бўлсин. • Қадоқда асбоб номи, ҳудуди ва қисқа тарихи ёзилсин.
15	Чинни, фаянс ва сопол буюмлар тайёрлаш	Чинни, фаянс ва сополдан тайёрланган амалий безак санъати турлари, архитектура-безак элементлари, нақш ва трафарет билан безаш, лойдан уй ва ошхона буюмлари, тандирлар.	• Эскизда буюм шакли, девор калинлиги, безак жойи, ранг ва сир тури кўрсатилсин. • Турист учун кичик ва ўрта ҳажмдаги, осон қадоқланадиган буюмлар устувор: пиёла, лаганча, магнит, қутича, чой тўплами. • Жуда ингичка тутқич, нозик чиқинди ва осон синадиган шакллардан қочилсин. • Озиқ-овқат билан ишлатиладиган буюмларда хавфсиз сир талаблари белгилансин.	• Сопол тўлиқ пишган, сирти ёрилмаган, пуфак ва нуқсонларсиз бўлсин. • Сир ва бўёқлар хавфсиз, қўлга юкмайдиган ва тез қўчмайдиган бўлсин. • Буюм тик турганда барқарор, туткичлари мустаҳкам ва кирралари силлиқ бўлсин. • Синишдан сақловчи алоҳида қадоқ мажбурий таъминлансин.

T/p	Фаолият йўналиши	Маҳсулотларнинг асосий турлари	Рассом ва дизайнер учун аниқ талаблар	Хунарманд учун аниқ талаблар
16	Қимматбаҳо металлдан заргарлик буюмларини яшаш	Қонунчиликка мувофиқ тамғаланиши шарт бўлган пробали олтин, кумуш, платина ва платина гуруҳидаги металллардан ижодий, муаллифлик ва миллий услубда ясалган буюмлар.	- Эскизда буюмнинг ўлчами, оғирлиги, металл тури, пробаси, тош ёки безак элементлари кўрсатилсин. - Миллий нақш замонавий тақишга қулай шаклда берилсин; жуда оғир ва кийимга илинадиган дизайнлардан қочилсин. - Қулф, илгак, занжир ва бирикмалар техник счими чизилсин. - Танлов иши муаллифлик дизайни бўлиши ва кўчирма бўлмаслиги шарт.	- Заргарлик буюми қонунчилик талабларига мувофиқ проба/тамға ва тегишли ҳужжатлар билан тақдим этилсин. - Қулфлар мустаҳкам, тошлар қаттиқ ўрнатилган ва қирралар силлик бўлсин. - Буюм тақишга қулай, терини тирнамасин ва кийимга илинмасин. - Премиум қадоқ, материал паспорти ва парвариш тавсияси берилсин.
17	Миллий кўғирчоқ ва ўйинчоқлар тайёрлаш	Ёғоч, металл, гипс, мато, сопол ва бошқа материаллардан ишлаб чиқаришдан ташқари шароитда ясалган кўғирчоқ ва ўйинчоқлар.	- Эскизда персонаж, либос, юз ифодаси, материал ва миллий ҳикояси аниқ берилсин. - Ўйинчоқ болаларга ёки коллекционерларга мўлжаллангани кўрсатилсин. - Майда ажралиб кетадиган қисмлар, ўткир деталлар ва хавфли бўёқлардан қочилсин. - Қадоқ ва қиска “ҳикоя қарточкаси” дизайни тақлиф этилсин.	- Барча қисмлар мустаҳкам тикилган ёки ўрнатилган бўлсин; майда деталлар осон ажралмасин. - Бўёқ, мато ва тўлдиргичлар хавфсиз бўлсин. - Кўғирчоқ тик турганда ёки ўтирганда барқарор бўлсин, шакли тез бузилмасин. - Ёрликда ёш тоифаси, материал ва парваришlash усули кўрсатилсин.
18	Майда ҳайкалтарошлик буюмларини тайёрлаш	Табиий ва сунъий материаллар: гипс, шамот, мис, бронза, алюминий, суяк, ёғоч, тош, сопол, чинни, фаянс ва бошқалардан ҳайкалтарошлик буюмлари.	- Эскизда ҳайкалчанинг мавзуси, ўлчами, оғирлиги, таянч нуқтаси ва материал тури кўрсатилсин. - Жуда ингичка қўл, найза, қанот ёки синиш эҳтимоли юқори қисмлардан қочилсин. - Маҳсулот музей сувенири, офис столи, китоб жавони ёки интерьер учун ихчам форматда бўлсин. - Миллий образ, тарихий қаҳрамон ёки рамз танланса, унинг асоси қисқача изоҳлансин.	- Ҳайкалча барқарор турсин, оғирлик маркази тўғри бўлсин. - Сирт ишлови тоза, қирралари хавфсиз ва бўёғи кўчмайдиган бўлсин. - Нозик қисмлар мустаҳкамланган ёки шакл соддалаштирилган бўлсин. - Қадоқ синишдан сақлайдиган қилиб тайёрлансин.
19	Чарм маҳсулотларини тайёрлаш	Эгар-жабдуқ анжомлари, арқон, белбоғ, қайиш анжомлари, табиий ва сунъий чармдан миллий нимча ва бош кийимлар, чармдан эсдалик буюмлари.	- Дизайнда маҳсулот функцияси аниқ бўлсин: ҳамён, камар, паспорт ғилофи, сумка, брелок, ноутбук/телефон ғилофи. - Чарм тури, тикиш усули, фурнитура, чўнтақлар ва ўлчамлар кўрсатилсин. - Нақш ёки тамға босиш жойи, миллий элемент ва ранглар белгилансин. - Маҳсулот халқаро туристнинг кундалик эҳтиёжига мос бўлсин.	- Чоклар текис, четлар пардозланган, елим излари кўринмасин. - Фурнитура мустаҳкам, молния/тугма/қулф ишлаши осон бўлсин. - Чармда ёқимсиз хид, доғ ва ёриқлар бўлмасин. - Қадоқда материал, парваришlash ва ишлаб чиқарувчи маълумоти берилсин.
20	Ёғочдан халқ хунармандчилиги маҳсулотларини тайёрлаш	Ошхона анжомлари: ўқлов, туздон, нон қути, жўва, кели, оштахта, чакич; ёғоч, фанер ва ламинатдан турли маҳсулотлар, беланчак, бешик, хонтахта, сандик, жавон, ром, панно, ёғоч шахмат ва бошқа буюмлар.	- Эскизда амалий фойдаланиш аниқ бўлсин: ошхона буюми, стол аксессуари, шахмат, рамка, нон қути, сувенир қути. - Озиқ-овқат билан тегадиган буюмларда хавфсиз қоплама талаблари кўрсатилсин. - Қатта мебел ўрнига туристга мос кичик ва ўрта ҳажмдаги маҳсулотлар устувор бўлсин. - Бирикма, ўлчам, ёғоч тури ва ишлов бериш усули кўрсатилсин.	- Ёғоч қуруқ, ёриқсиз, ҳидсиз ва фойдаланишда қийшаймайдиган бўлсин. - Ошхона буюмлари учун хавфсиз мой/лак ишлатилсин. - Бирикмалар мустаҳкам, сиртлари силлик ва қирралари хавфсиз бўлсин. - Маҳсулот фойдаланиш йўриқномаси ва химоя қадағи билан берилсин.
21	Новдалардан буюмлар тўқиш	Ўсимлик новдаларидан тўқилган буюмлар: қамиш, тол, похол, ток новдалари ва бошқа дарахт новдалари.	- Дизайнда шакл, ўлчам, тўқиш зичлиги, тутқич ва юк кўтариш вазифаси кўрсатилсин. - Маҳсулот турист учун енгил ва амалий бўлсин: сават, сумка, қути, чой тўплами қутиси, интерьер буюми. - Новда табиий ранги ёки бўяш усули кўрсатилсин. - Осон синмайдиган ва чемоданда деформацияланмайдиган конструкция тақлиф этилсин.	- Тўқиш зичлиги бир хил, учлари ичкарига яширилган ва қўлни тирнамасин. - Тутқич ва асос қисми юк кўтаришга чидамли бўлсин. - Новдалар қуруқ, хашаротсиз ва нохуш ҳидсиз бўлсин. - Маҳсулот енгил, тоза ва чироили ёрлик билан тақдим этилсин.
22	Эсдалик буюмларини тайёрлаш	Турли табиий ва сунъий материаллардан эсдалик ва совға буюмлари, камар, нишонлар, тасбех, гулдасталар, флористика, икебана ва бошқа буюмлар.	- Дизайн “оддий сувенир” эмас, аниқ ғоя ва миллий ҳикояга эга бўлсин. - Маҳсулот турист учун тушунарли, кичик, енгил ва нарх жиҳатидан бозорбоп бўлсин. - Эскизда материал, ўлчам, ранг, фойдаланиш вазифаси ва қадоқ кўрсатилсин. - Битта дизайндан турли нарх сегментлари: бюджет, ўрта ва премиум вариантларини чиқариш имкони бўлсин.	- Маҳсулот сифати савдо растасига қўйишга тайёр даражада бўлсин. - Ёпиштириш, бўяш, бириктириш ва пардозлаш ишлари тоза бажарилсин. - Қадоқда маҳсулот номи, ҳудуди ва қиска ҳикояси ёзилсин. - Ишлаб чиқариш кичик партияд тақрорландиган бўлсин.
23	Оддий металлдан миллий услубда тақинчоқлар яшаш	Оддий металлдан миллий услубда тайёрланган тақинчоқлар: туморлар, зирақлар, зебигардон, билагузук, узук, тиллақош ва бошқалар.	- Эскизда тақинчоқнинг ўлчами, оғирлиги, қулфи, бирикмалари ва тақиш усули кўрсатилсин. - Миллий шакл замонавий кийим билан тақишга мослаштирилсин. - Жуда оғир, терини қичиштирадиган ёки кийимга илинадиган деталлардан қочилсин. - Металл тури, қоплама ва антиаллергенлик масаласи ёзилсин.	- Қирралар силлик, қулфлар мустаҳкам ва тақинчоқ тақишга қулай бўлсин. - Металл қопламаси тез қораймайдиган ва терини бўямайдиган бўлсин. - Зирақ, узук ва билагузукларда ўлчам аниқлиги таъминлансин. - Маҳсулот кичик қутча ва материал ҳақида ёрлик билан берилсин.

Т/р	Фаолият йўналиши	Маҳсулотларнинг асосий турлари	Рассом ва дизайнер учун аниқ талаблар	Хунарманд учун аниқ талаблар
24	Макраме ва қўлда тўқилган буюмлар тайёрлаш	Макраме, патли рўмоллар, спицаларда тўқилган буюмлар.	• Эскизда тугун/тўқиш схемаси, ўлчам, ип тури ва фойдаланиш вазифаси кўрсатилсин. • Маҳсулот замонавий интерьер ёки аксессуар сифатида қўлланиши аниқ бўлсин. • Турист учун енгил, йиғиладиган ва олиб кетишга қулай дизайн таклиф этилсин. • Ювиш, сақлаш ва шаклни сақлаш масаласи ҳисобга олинсин.	• Тугунлар ва тўқиш зичлиги бир хил, ип учлари тоза берkitилган бўлсин. • Маҳсулот шаклини сақласин, осилганда ёки фойдаланганда чўзилиб кетмасин. • Иплар тўқилмайдиган, ранглари тез ўчмайдиган ва териға ёқимли бўлсин. • Парваришлаш ёрлиғи ва ихчам кадок билан тақдим этилсин.
25	Қуроқчилик усулида тикиш	Кўрпа, ёпинчик, панно, ёстик жилдлар, либослар тайёрлаш.	• Эскизда қуроқ схемаси, ранг композицияси, бўлақлар ўлчами ва маҳсулот шакли кўрсатилсин. • Катта кўрпа билан чекланмасдан, туристга мос маҳсулотлар таклиф этилсин: ёстик жилди, сумка, жилд, панно, косметичка. • Матолар уйғунлиги, ички астар ва фойдаланиш вазифаси кўрсатилсин. • Ишлаб чиқаришда мато сарфи ва такрор тикиш имкони ҳисобга олинсин.	• Қуроқ бўлақлари аниқ кесилган, чоклар тўғри ва бурчаклар мос келган бўлсин. • Астар, қавиқ ва чет ишловлари тоза бажарилсин. • Маҳсулот ювилганда шаклини йўқотмасин ва ранглари аралашиб кетмасин. • Қадоқда материал, парваришлаш ва миллий нақш ҳақида маълумот берилсин.

5. Қабул қилинмайдиган ишлар

- хунарманд томонидан реал тайёрлаб бўлмайдиган, фақат чизмаларда чиройли кўринадиган дизайнлар;
- ўлчам, материал, ишлаб чиқариш усули ва маҳсулот вазифаси кўрсатилмаган эскизлар;
- кўчирма, плагиат ёки мавжуд бренд маҳсулотини такрорлаган ишлар;
- турист учун жуда оғир, катта, хавфли ёки олиб кетишга ноқулай маҳсулотлар;
- осон синадиган, қирралари хавфли ёки ҳимоя қадағи йўқ маҳсулотлар;
- миллийликка алоқаси йўқ ёки Ўзбекистон хунармандчилигини акс эттирмайдиган маҳсулотлар;
- сифатсиз материал, нотоза чок, ёмон пардоз, бўёқ кўчиши ёки фойдаланишга яроқсиз маҳсулотлар.

6. Баҳолашда асосий эътибор

Босқич	Асосий баҳолаш мезонлари	Изоҳ
1-босқич: рассом-дизайнерлар	Ғоянинг миллийлиги; дизайннинг замонавийлиги; функционаллик; хунарманд томонидан тайёрлаш имконияти; ўлчам, материал ва қадақлаш ечими.	Эскиз ишлаб чиқаришга тайёр техник топшириқ вазифасини бажариши керак.
2-босқич: хунармандлар	Маҳсулот сифати; эскизга мослик; ишлов бериш маҳорати; мустаҳкамлик; туристик ва экспортбоп кўриниш; қадоқ ва маҳсулот паспорти.	Тайёр маҳсулот савдо растаси ёки кўргазма витринасига қўйишга тайёр бўлиши керак.

Яқуний тамойил: эскиз — хунарманд тайёрлай оладиган даражада аниқ, тайёр маҳсулот эса турист сотиб оладиган даражада сифатли, ихчам, миллий, функционал ва бозорбоп бўлиши шарт.